

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕВРОСИЁ ИҚТИСОДИЙ КОМИССИЯСИ ҲАЙЪАТИ РАИСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 июль куни Евроосиё иқтисодий комиссияси Ҳайъати раиси Михаил Мясниковични қабул қилди.

Евроосиё иқтисодий иттифоқи доирасида, энг аввало, савдо, саноат кооперацияси, транспорт ва логистика, инновациялар, миграция ва туризм соҳаларидаги ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон кузатувчи давлат сифатида ташкилот тузилмалари билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйганини алоҳида таъкидлади. Тегишли меморандум ва 2023 йилларга қадар даврга мўлжалланган

Кўшма тадбирлар режаси амалга оширилмоқда. Бугун Ҳамкорликнинг қўшимча йўналишлари рўйхати имзоланди. ЕОИИ мамлакатлари билан ўзаро савдо ва инвестициялар кўрсаткичлари ижобий суръат билан ўсиб

бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Савдо тўсиқларини бартараф этиш, саноат кооперациясини кучайтириш ва ишбилармонлик алоқаларини рағбатлантириш, лойиҳавий ҳамкорликни

ривожлантириш, транзит соҳасидаги дастур ва лойиҳаларни илгари суриш, миграция тартиботларини соддалаштириш ва ўзаро сайёҳлар оқимини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Кўшма Ишчи гуруҳнинг навбатдаги йиғилишини ўтказишга келишиб олинди.
ЎЗА
Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 12 июль куни Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда энергетика соҳасида амалга ошириладиган йирик лойиҳаларга оид тақдимот билан танишди.

Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ҳамкорлиги жадал ривожланмоқда. Жорий йил бошдан буён ўзаро савдо ҳажми икки баробар кўпайди, мамлакатимизда 45 та янги қўшма корхона ташкил этилди.

Ўзаро манфаатли ҳамкорлик кўплаб иқтисодий тармоқларини қамраб олган. Шулардан энг муҳимларидан бири энергетикадир.

Ўтган йили Навоий вилоятида юртимиздаги биринчи қуёш электр станцияси айнан Бирлашган Араб Амирликларининг "Masdar" компанияси билан ҳамкорликда ишга туширилган эди. Бугунги кунда у бир кеча-кундузда 1 миллион 180 минг киловатт соат электр энергияси етказиб бермоқда.

Бу соҳада яна 5 та йирик лойиҳани амалга ошириш келишилган бўлиб, уларнинг умумий қиймати қарийб 3 миллиард долларни ташкил этади. Хусусан, "Mubadala" ва "Taqa" компаниялари билан ҳамкорликда Талимаржон иссиқлик электр станциясини хусусийлаштириш ва қувватини ошириш, "Masdar" компанияси билан Навоий вилоятида шамол, Сурхондарё, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида қуёш электр станцияларини қуриш мўлжалланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жорий йилдан Бирлашган Араб Амирликлари билан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бўйича янги тизим йўлга қўйилди.

Йиғилишда энергетика соҳасидаги лойиҳалар ижроси ана шу тизим асосида кўриб чиқилди.

Мутасаддилар лойиҳаларнинг ҳозирги ҳолати ва йил якунигача мўлжалланган чора-тадбирлар юзасидан ахборот берди.

Давлатимиз раҳбари бу лойиҳалар энергетика тизими барқарорлигига ҳамда иқтисодий тармоқларига инвестиция оқими янада кўпайишига замин яратишини таъкидлади.

Талимаржон иссиқлик электр станциясини хусусийлаштириш ҳақида сўз борар экан, бу лойиҳа иссиқлик электр станцияларини бошқариш ва энергия ишлаб чиқаришда намунавий бўлиши кераклиги қайд этилди.

"Masdar" компанияси билан қайта тикланувчи энергетика соҳасида амалга ошириладиган лойиҳалар 2030 йилгача мамлакатимизда "яшил энергетика" улушини 25 фоизга етказишда муҳим қадам бўлади. Шу боис, лойиҳаларни амалга ошириш бўйича зарур битим ва ҳужжатлар имзоланиш тезлаштириш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди.

ЎЗА

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИ БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ БЎЙИЧА МАХСУС РЕЗОЛЮЦИЯНИ БИР ОВОЗДАН МАЪҚУЛЛАДИ



11 июль куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш бўйича махсус резолюцияни бир овоздан маъқуллади. Ҳужжати Нью-Йоркда ташриф билан бўлиб турган Ўзбекистон Президентининг ташқи сиёсат масалалари бўйича махсус вакили Абдулазиз Комилов тақдим этди.

▶ Давоми 2-бетда

РАҚАМЛАШТИРИШ

ИҚТИСОДИЁТНИНГ АСОСИЙ ДРАЙВЕРИ

Ислохотлар муваффақиятини таъминловчи муҳим йўналишлардан бири иқтисодий рақамлаштиришдир. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифалар сирасига киритилган. Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, балки ортиқча харажатларни қисқартиради ва коррупциянинг олдини олади.



Мутахассисларнинг таъкидлашича, рақамли иқтисодиёт нолдан бошлаб яратилиши лозим бўлган қандайдир бошқача иқтисодий эмас. Бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлар яратиш ва уларни кундулик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқти-

содиётни янги тизимга кўчириш деганидир. Тараққиёт стратегиясининг учинчи йўналишида рақамли иқтисодиётни асосий драйвер соҳага айлантириб, ҳажмини камида 2,5 баравар ошириш ва экспортни 500 миллион долларга етказиш мақсади белгиланган. Бу бо-

рада амалга ошириладиган ишлар кўлами кенг. Уларнинг асосий жиҳатлари одамларнинг оғирини енгил қилиш, рақамли қўлайликларни соддалаштириш, энг замонавий технологияларни жорий этишга қаратилган.

▶ Давоми 2-бетда

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Ўзбекистон — Туркменистон: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ТАРИХИЙ БОСҚИЧИДА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ



Тошкентда Марказий Осиё халқаро институти ва Туркменистон ташқи ишлар вазирлиги Халқаро муносабатлар институти билан ҳамкорликда ана шу мавзуда халқаро конференция ўтказилди. Конференция ишида икки мамлакат давлат муассасалари ва таҳлил тузилмалари экспертлари иштирок этди.

▶ Давоми 3-бетда

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИ БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ БЎЙИЧА МАХСУС РЕЗОЛЮЦИЯНИ БИР ОВОЗДАН МАЪҚУЛЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Мазкур резолюциянинг қабул қилиниши Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Тошкент шаҳрида 2021 йил июль ойида бўлиб ўтган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференцияда илгари сурилган ташаббуснинг амалий натижаси бўлди.

Давлатимиз раҳбари ушбу муҳим анжуманда сўзга чиқиб, Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларининг тарихий яқинлигини, ушбу муносабатларни ўзаро ишонч ва ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлади. Шу нуктаи назардан, Ўзбекистон Президенти тегишли резолюция лойиҳасини ишлаб чиқиш ва БМТ Бош Ассамблеясига киритиш, унда Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасидаги

мулоқотнинг умумий ёндашувлари, асосий тамойиллари ва йўналишларини белгилаб қўйишни тақриф қилган эди.

Ўтган йил Тошкент конференциясида дунёнинг 50 та давлатидан мисли кўрилмаган таркибда делегациялар иштирок этганини таъкидлаш лозим. Конференциянинг 600 га яқин делегатлари орасида давлат ва ҳукумат раҳбарлари, ташқи ишлар вазирлари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар етакчилари бор эди. БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш форум иштирокчиларига видеоурожаат йўллаб, ўзаро боғлиқлик Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги савдо, иқтисодий ўсиш ва барқарор ривожланишда муҳим роль ўйнашини, узоқ муддатли тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни мустаҳкамлашга ҳисса қўиши мумкинлигини таъкидлади.

Этиборлиси, резолюция нафақат БМТга аъзо барча давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди, балки дунёнинг турли қитъаларида жойлашган 40 га яқин мамлакат ҳаммуаллифлигида қабул қилинди. Бу давлатимиз раҳбари ташаббусининг долзарблиги ва ўз вақтида илгари сурилганининг халқаро ҳамжамият томонидан юксак эътирофи ифодаси бўлди.

Ўзбекистон томонидан тайёрланган ҳужжатга ҳаммуаллиф бўлган давлатлар орасида Озарбайжон, Арманистон, Ангола, Вьетнам, Вануату, Гана, Куба, Қозғоғистон, Қирғизистон, Хитой, Кот-д’Ивуар, Қатар, Миср, Эрон, Непал, Малайзия, Монголия, Мароқаш, Покистон, Россия, Сенегал, Тожикистон, Туркия, Туркменистон, Шри-Ланка, Филиппин ва бошқалар бор.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош махлахат органи томонидан қабул қилинган резолюцияда ушбу олий даражадаги конференция ўтказилиши ва унинг якунида икки минтақа ташқи ишлар вазирлари томонидан маъқулланган қўшма баёнот юксак баҳоланган.

Ҳужжатда Вена декларацияси ва унинг денгизга чиқиш имконияти бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар учун 2014–2024 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастурини амалга ошириш бўйича ҳамкорликни кучайтириш муҳимлиги, шунингдек, иқтисодий ўсишни жадаллаштириш-

да ҳамда Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий алоқалар, уларнинг ноёб транспорт, транзит ва сармовий салоҳиятини рўёбга чиқаришда транспорт ва транзит йўлақларининг юқори аҳамияти таъкидланган.

Бундан ташқари, қарорда минтақавий алоқаларни мустаҳкамлашда худудий ташкилотларнинг муҳим ўрни эътироф этилган. Шу нуктаи назардан, Ўзбекистон Президентининг 2022 йилни Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасида “Ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш йили”, деб эълон қилиш бўйича ташаббусига юксак баҳо берилган.

Резолюцияда Афғонистоннинг Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги алоқаларни ўрнатилишидаги роли, шунингдек, мустаҳкам тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида ушбу мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши ва минтақаларо иқтисодий жараёнларга интеграциялашувининг муҳимлиги ҳам ургулган.

Ҳужжатда Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасида қашшоқликни камайтириш, озиқ-овқат хавфсизлигини ошириш, транспорт инфратузилмасини кенгайтириш, денгиз портларига қулай, барқарор ва хавфсиз йўналишлар очадиган янги халқаро транспорт йўлақларини шакллантиришда яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича асосий қоидалар ўз ифодасини топганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ҳужжатда барқарор ривожланишга, жумладан, тоза энергия ҳосил қилиш, экологик муаммоларни ҳал этиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича технологиялардан фойдаланишга имконият яратиш орқали ўзаро тажриба алмашиш муҳимлиги алоҳида урғу берилгани эътиборни тортади.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистоннинг жорий йил 25-26 июль кунлари Тошкентда Афғонистон бўйича халқаро конференция ўтказиш ниятини олқишлади. Ушбу форум Афғонистонга зарур ёрдам қўрсатиш ва уни минтақавий жараёнларга фаол жалб этиш бўйича халқаро саъй-ҳаракатларни бирлаштиришда яна бир амалий қадам бўлишига ишонч билдирилди.

Резолюция, шунингдек, БМТга аъзо барча давлатларни Марказий ва Жанубий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликка умумий таҳдидлар ва хавф-хатарларга қарши курашда кучларни бирлаштиришга чақиради.

Мазкур резолюциянинг БМТ Бош Ассамблеяси томонидан бир овоздан қабул қилингани Ўзбекистон раҳбариятининг икки минтақа ўртасида тинчлик ва дўстлик, ишонч ва яхши кўшничиликни мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва ўзаро инвестициялар ҳажмини ошириш учун қулай шарт-шароит яратиш, барқарорлик ва хавфсизликка умумий таҳдидларга қарши курашда саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга қаратилган давлат сиёсати халқаро ҳамжамият томонидан тўла қўллаб-қувватланаётганининг яққол ифодаси бўлди.

“Дунё” АА Нью-Йорк

РАҚАМЛАШТИРИШ ИҚТИСОДИЁТНИНГ АСОСИЙ ДРАЙВЕРИ

Бошланиши 1-бетда

ЮКСАЛИШНИНГ ЭНГ ҚИСҚА ЙЎЛИ

Нодир ЖУМАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор



Тараққий этган давлатлар қаторига қўшилишимиз учун, энг аввало, илғор замонавий ахборот-коммуникация, интернет ҳамда рақамли технологиялар соҳасидаги билимларни чуқур эгаллаш орқали юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш керак. Негаки, биз географик жойлашувимизга кўра, куруқлик орқали ийрик сув хазиналаридаги портларга чиқишимиз учун камида икки давлат чегарасидан ўтишимизга тўғри келади. Бу вақт нуктаи назаридан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам жаҳон бозоридаги ўрнимизга салбий таъсир қилиши бор гап. Бунинг ечими ақл-заковат, янги инновациялар ва малакали кадрлар салоҳияти билан беvosита боғлиқ.

Табиики, бугун IT паркларда 11 мингдан зиёд ёш ишлаётгани, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида ўқиб чиққан йигит-қизлар соҳа келажаги учун мустаҳкам пойдевор яратётгани барчамизни мамнун этади.

Яна бир муҳим жиҳат — мамлакатимизда аҳоли энг қўп тўқнаш келаётган соҳаларни рақамлаштириш, одамларнинг оғирини енгил қилишга устуворлик берилапти. Жумладан, соғлиқни сақлаш, кадраст, ижтимоий ҳимоя, қишлоқ хўжалиги, таълим йўналишларини рақамлаштириш бўйича амалий жараёнлар бошланди ва бу ижобий самараларни бермоқда. Хусусан, аҳоли масканларини мобил интернет билан қамраб олиш даражаси 2017 йилда 30 фоиз бўлган бўлса, бугунги кунда 96 фоизни ташкил этмоқда. Ёки 2017 йилда соҳадаги экспорт ҳажми бор-йўғи 600 миң долларни ташкил этган бўлса, ўтган йили 46 миллион долларга, жорий йилнинг биринчи чорагида эса 16 миллион долларга етган.

Рақамлаштиришнинг кундалик ҳаётимызда доимий ўрин эгаллаши учун тизимли ёндашув лозим. Халқам ўн йилдан буён электрон ҳукумат тизимини ривожлантиришга интилиб келамиз. Самаралар эса фақатгина сунги йилларда кўзга ташлана бошлади. Биргина банк пластик картаси мисолида олайлик. Илгариликта банк карталарида маблағ бўлса-да, ундаги пулни сарф қилиш ёки нақдлаштириш имконияти жуда аянчли ҳолатда эди. Энди эса банк миқозлари онлайн харидларни амалга ошириш,

КУЗАТУВЛАРНИ ЎТКАЗИШ ВАҚТИ 10, ҲИСОБОТЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ 2 БАРОБАР ҚИСҚАРДИ

Зоҳиджон ЗИЯЕВ, Давлат статистика қўмитаси раиси ўринбосари



Сўнги йилларда ҳаётимизнинг барча жабҳаларига рақамли технологиялар жадаллик билан кириб бориши туфайли янги кўринишдаги иқтисодий муҳит, яъни рақамли иқтисодиёт экотизими вужудга келмоқда.

Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва худудларда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш жараёнлари ва ҳолатини кузатиш, натижаларини кўрсаткичларда акс эттириш ва улардан тегишли хулосалар чиқаришда фойдаланиш соҳа статистикасини янада такомиллаштириш, унинг назарий-усулвий жиҳатларини халқаро талаблар ҳамда миллий қонунчилик асосида ривожлантиришни талаб этади.

Шуни инобатга олган ҳолда, “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси ҳамда 2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегияси асосида ўтган давр мобайнида жараёнларни статистик баҳолаш тизимини жорий этиш бўйича қатор ижобий натижаларга эришилди.

Энг аввало, Давлат статистика қўмитаси ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш ҳолати тўғрисида статистик маълумотларни тўплаш ва шакллантиришда ягона ёндашув ҳамда методология жорий этилди. Мазкур услубиёт асосида “Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат” йиғма кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилиб, эълон қилинди. Унинг таркибига контент ва медиа ҳамда электрон савдо фаолиятлари ҳам қамраб олинди.

Кўрсаткичларни шакллантиришда норасмий сектор қаровини таъминлаш мақсадида 2021 йилдан бошлаб ахборот технологиялари соҳасида маҳсулотлар ишлаб чиқариш, савдо ва хизматлар кўрсатиш бўйича жисмоний шахслар танланма кузатуви ўтказилди. Кузатувларнинг барча худудларда планшетлар ёрдамида амалга оширилиши маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш учун сарфланмаган вақтни 10 баробар қисқартирди.

Статистик ҳисоботларни интернет орқали онлайн қабул қилишнинг eStat 4.0 автоматлашган ахборот тизими яратилди ва 120 турдаги ҳужжатни қабул қилиш йўлга қўйилди. Бунинг натижасида ҳисоботларни қабул қилиш ва қайта ишлаш вақти 2 қарра қисқарди. Юртимизда илк бор ўтказилиши режалаштирилаётган аҳоли ва қишлоқ

хўжалигини рўйхатга олиш тадбирларини интернет ҳамда планшетлар ёрдамида ўтказиш учун зарур ахборот тизими ишлаб чиқилди ва ҳозир якуний синов ишлари олиб борилмоқда. 30 дан орტიқ манфаатдор вазирлик ва идора ўртасида ўзаро электрон маълумотлар алмашиниши интеграция қилинди. Эндиликда статистик маълумотлардан фойдаланувчилар уларни излаб вақтларини йўқотмайди ёки қўмитага хат билан мурожаат қилиб ўтирмайди. Уларнинг ҳаммаси қулай шаклда тематик веб-сайтлар орқали тақдим этиб борилапти. Замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда, қўмитанинг stat.uz расмий веб-сайтининг янги кўриниши, аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини ёритиб бориш бўйича aholi.stat.uz, гендер кўрсаткичларини ўз ичига олган gender.stat.uz, Миллий барқарор ривожланиш мақсадларининг (БПМ) бажарилишини мониторинг қилишнинг psdg.stat.uz, услубий низомилар ва йўриқномалар билан танишиш имконини берувчи lib.stat.uz веб-сайтлари яратилди ва ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси Очiq маълумотлар порталининг янги талқини ишлаб чиқилиб, ҳозирги кунда мазкур порталда 154 та вазирлик ва идоранинг 4 миңдан ортиқ маълумоти эълон қилинди.

Мазкур ишлар натижаси қатор халқаро рейтингларда ўз ифодасини топомқда. Жумладан, 2021 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Глобал маълумотлар барометри (The Global Data Barometer — GDB) рейтингда 58-ўринни эгаллади. Мазкур рейтингда 100 дан ортиқ мамлакат қатнашганини инобатга олсак, юртимиз унинг асосий модуллари ҳисобланган “Очiq маълумотлар ташаббуси”ни ўз ичига олган “Имкониятлар” модулида 80 балл тўплаб 8, “Бошқарув” модулида 52 балл тўплаб, 19-ўринни эгаллади.

ТЕЗ, ҚУЛАЙ, ИШОНЧЛИ

Ҳаётжон НАСРУЛЛОВЕВ, Давлат солиқ қўмитаси Ахборот-коммуникация технологиялари департаменти директори



2020 йилнинг 5 июнь куни Вазирлар Маҳкамасининг “Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан Давлат солиқ қўмитасининг Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш стратегияси тасдиқланган эди. Қарор ижросининг таъминланиши натижасида барча ахборот тизимлари ягона платформага ўтказилди. Натижада солиқ тўловчиларнинг ҳисобот топшириш жараёни 5-7 баробарга енгиллашиб, инсон омили аралашуви 60 фоизга қисқарди, шунингдек, қоғоз шаклидаги ҳужжат ишлари ҳам кескин камайди.

Ҳужжатда Business Intelligence ва Big Data технологияларини жорий этиш стратегиянинг асосий вазифаларидан бири сифатида қилинган эди. Бу технологияларнинг жорий этилиши яширин иқтисодиётда хуфиёна айланмалар даражасини қисқартириб, солиқ солинадиган базани кенгайтирди.

Аҳоли ва бизнес учун қулайликларни ошириш, инсон аралашувини камайтириш мақсадида солиқ маъмуричилиги жараёнлари изчил рақамлаштирилмоқда. Маълумотларни қайта ишлаш маркази ана шу йўлда амалга оширилган яна бир йирик лойиҳа бўлди. Президентимизнинг 2020 йил 30 октябрдаги “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони мувофиқ, Давлат бюджетидан ажратилган 100 миллиард сўм эвазига бинолар таъмирланиб, узлуксиз электр таъминоти қурилмалари, прецизион кондиционерлар, катта ҳажмли сервер ва компьютерлар билан жиҳозланди.

Бу, биринчи навбатда, ахборот тизимларининг самарали ва узлуксиз ишлашини таъминлаш, солиқ тўловчиларга электрон хизматлар қўламини кенгайтириш, сифатини оширишга хизмат қилди. Чунки замонавий хизматлардан фойдаланувчилар сони жуда тез ортиб бормоқда. 2021 йилнинг ўзида солиқ тўловчилар томонидан шахсий кабинетдан фойдаланишлар сони 40,5 миллионгани (2020 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп), юборилган электрон ҳисобварақ-фактуралар сони 33,9 миллионгани (2020 йилга нисбатан 1,6 баробар кўп), онлайн назорат касса машиналари орқали рўйхатга олинган чеклар сони 417,4 миллионгани (2020 йилга нисбатан 4 баробар кўп) ташкил этди.

Соҳага татбиқ этилаётган рақамли технологиялар самараси ўлароқ, солиқ тўловчилар билан шахсий кабинетлари орқали тўлиқ электрон мулоқот ўрнатилди. Бугунги кунда дунёнинг исталган жойида туриб бўйхатдан ўтишдан бошлаб, солиқ мажбуриятини охиригача тўлиқ бажариш учун имкониятлар яратилган.

Электрон хизматлардан фойдаланишлар сони ўтган 2 йилда 3 баробарга ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 30 фоизга ошди. Тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларга кўрсатилган 85,1 миллионга электрон хизматларнинг тўртдан бир қисми электрон солиқ ҳисоботларини топшириш ва солиқларни тўлаш билан боғлиқ бўлиб, уларни шахсий кабинет ва электрон тўлов тизимлари орқали тўлаш ҳажми 22,3 триллион сўмга етди.

“E-ijara”, “E-imityoz”, “Қўшилган қиймат солиғи тўловчилари”, “Солиқ текширувлари”, “Автоматлаштирилган камерал назорат тизими”, “Солиқ узилиши коэффициенти”, “K-Savdo” каби янги дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқилди. “Soliq” мобил иловасининг функционал имкониятлари кенгайтирилди. Тизимлар киберҳужумдан ҳимояланиши даражаси оширилди. Хусусан, киберҳужумларнинг олдини олиш бўйича “WAF” дастурий-аппарат мажмуасининг татбиқ этилиши туфайли ойига тахминан 100 миңдан ортиқ ҳужумларнинг олди олинмоқда.

Айни кезде барча ҳисобварақ-фактуралар электрон тарзда расмийлаштирилмоқда. Барча тадбиркорлик субъектларининг рўйхатга олиш маълумотлари қайта кўриб чиқилиб, ундаги хато ва камчиликлар бартараф этилиши, бошқа вазирлик ҳамда идоралар маълумотлари билан бирхиллаштирилиши таъминланди.

2022 йилдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи, айланмадан олинмадан солиқ, ер, мол-мулк ва акция солиқлари Давлат солиқ қўмитасида мавжуд электрон маълумотлар асосида автоматик равишда шакллантириш механизми йўлга қўйилди. Бундан ташқари, идораларимизда электрон ҳужжат айланиш тизими жорий этилган бўлиб, бугунги кунда қарийб 11 миң солиқ органлари ходимлари шу тизим асосида ишлаяпти.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Абдурауф ҚОРЖОВЕВ ёзиб олди.

МАҲОРАТ МАКТАБИ

ОЛТИН КЎПРИК

ЁХУД УСТОЗЛАР УМРИ ҚОБИЛ ШОГИРДЛАР ИШИДА ДАВОМ ЭТАДИ

Зоҳиджон СОДИҚОВ, Наманган давлат университети кафедра мудири, филология фанлари доктори

Таржима нафақат лисоний ҳодиса, шу билан бирга, адабий-тарихий, қолаверса, ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал қилишга ҳам дахлдор соҳа. У турли халқ, миллат, мамлакатларни бир-бири билан боғловчи олтин кўприк, десак ҳам англашмаган бўламиз. Юртимиз, аниқроғи, Мовароуннаҳр инсоният цивилизацияси юқори чўққисига чиққан паллаларда ҳам таржима бой илмий-маданий меросимизни бутун дунё эътиборига тақдим этишда катта хизмат қилган.

Аниқроғи, буюк Хоразмий, Ибн Сино, Беруний, Фарғоний каби алломаларимиз ижодини Ғарб оламига таништиришда муҳим роль ўйнаган. Биргина Испаниянинг Курдоба (Кордоба) ва Толедо шаҳарларидаги таржима марказларида юқорида тилга олинган

санъати сифатини янада юқорироқ поғонага кўтаришга хизмат қилди.

Ғайбулла Саломов асос солган таржима мактабининг яна бир муҳим қирраси — таржимага нисбатан санъат сифатида қаралиши билан бирга, бадиий таржима ҳам



Муаллиф бу борада шундай деган эди: "Буюк сўз усталарининг ижоди ҳар бир халқнинг миллий тинчлиги ва гуруҳига айлангани баробарида, уларнинг асарлари оламшумул умуминсоний, байналмилал гоғлар билан сугорилган бўлади".

Бу борадаги тадқиқотларнинг яна бир муҳим томони бир асарнинг бир неча таржимаси мисолида қисий типологик аснода изланишлар олиб борилганида. Бунинг натижасида аслиятдан ўғирилган бир неча таржиманинг узаро фарқ қилувчи жиҳатлари ўрганилиши билан бирга, таржимадаги ворисийлик масаласи ҳам эътибордан четда қолдирилмади. Унинг 1982 йилда шоғирди Нажмиддин Комилов билан ҳамкорлигида ёзган "Дўстлик кўприклар" китобида шеър таржиманинг ўзига хосликлари тадқиқ қилиниб, қайта яратиш санъатидаги таржимавий методлари, аниқлик ва эркинлик масалалари ўрганилди.

Хусусан, устознинг "Ҳаҳонгашта Бобурнома" монографияси бу борадаги ишларни умумлаштиришда муҳим роль ўйнади. Натижада Ғайбулла Саломовнинг бевосита илмий раҳбарлигида бу борада ҳам бир қатор докторлик ва номзодлик ишлари ҳимоя қилинди. Жумладан, "Бобурнома"нинг инглиз тилига таржималари борасида Н.Отжаонов, Р.Каримов, М.Собиров, Д.Ҳошимова, французча таржималари бўйича С.Шукруллаева, немисча таржималари бўйича Ф.Ҳужаев диссертация ёқлади.

Шунингдек, Юсуф Хос Ҳожиб қаламига мансуб "Қутадуғ билиг" асарининг немисча ва инглизча таржималари борасида З.Содиқов ва Қ.Сидиқов диссертация ҳимоя қилган бўлса, Алишер Навоий асарларининг русча таржималари бўйича С.Олимов ҳамда К.Жўраев монографик тадқиқотлар яратди. Айни пайтда жаҳон адабиётининг буюк сиймоларидан Гётенинг ўзбекча таржималари бўйича С.Жабборов, С.Салим, П.Усмонов тадқиқотлар олиб борган. Шиллер ижоди бўйича эса У.Нурматов ўзининг номзодлик ишини ҳимоя қилди.

Бундан ташқари, Жорж Байрон шеърининг ўзбекча талқинлари борасида М.Бақоева муваффақиятли иш олиб бориб, номзодлик ва докторлик диссертациясини ҳимоя қилишга эришди. Шунингдек, Ғайбулла Саломов илмий раҳбарлигида Ҳамидулла Кароматовнинг "Христофор Марлонинг



аждодларимизнинг араб тилида битилган асарлари лотин, кейинчалик испан, француз ва немис тилларига таржима қилинган фикримизни тасдиқлайди. Ушбу бебаҳо хазинадан илҳомланган Ғарб олами Уйғониб даврига эришгани тўғрисида ҳали етарли фикрлар айтилганча йўқ.

Иккинчидан, таржима жаҳон адабиёти дурдоналарини халқимизга таништиришда ҳам асосий восита бўлиб хизмат қилмоқда. Бугун ўзбек таржимонлари бадиий, илмий-оммабоп адабиётларни бевосита инглиз, немис, испан, француз, ҳатто корей ва хитой тилларида таржима қилипти. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда ҳам ўзига хос таржима мактаблари ва уларнинг намояндлари борасида батафсилроқ фикр юритиш мавриди келди, деб ўйлаймиз. Чунки ҳар қандай маҳорат, малака ва кўникмалар муайян мактаб яратилган бўлсагина амалга ошади. Қуйида ана шундай мактаблар тўғрисида айрим мулоҳазаларимизни билдирасан.

АҚШда Ю.Найда, Францияда Ж.Мунен, Германияда О.Каде, Австрияда Э.Прунч, Болгарияда А.Лилова, Словакияда С.Влахов ва С.Флорин ҳамда Д.Дюришин, Россияда А.Фёдоров, Грузияда Г.Гачечиладзе, Озарбайжонда Б.Тоҳирбеков, Арманистонда Л.Мкртчян, Беларусда П.Копанев каби таржимонлар мактаби маълум.

Ўзбекистонда эса бу масъулият Ғайбулла Саломов чеккага тушди. У ўша пайтлар биринчилардан бўлиб "Таржима назариясига кириш" дарслигини яратди. ТошДУ (ҳозирги Миллий университет) қошида илк бора "Таржима назарияси" кафедрасини ташкил этди. Олий таълим тизимида таржимашунослик ихтисослиги бўйича фан дастурини ишлаб чиқиб, таълим жараёнига татиқ қилди. У асос солган таржима мактабига хос ўзига хослик, аввало, таржимага санъат сифатида қарашда кўринади. Бу борада устоз шундай дейди:

"Таржиманинг санъат эканлиги 3 та далил: Биринчиси, таржиманинг тил соҳасидаги ижод эканлиги. Иккинчи далил, асар бир асарни ўн киши ўйирса, уларнинг таржималари бир хил қоплдан чиққандай, бир-бирига айнан ўхшаб қолмайди; биль-акс, жиддий фарқ қилади. Сабаби, ҳар бир таржимон — ижодкор, бир-бирига ўхшамайди. Учинчи далил шуки, айни бир асарни ўйирганда ҳосил бўлган бир қанча таржималар ижодкорлар мансуб бўлган мактаб, адабий аъёнлар, ўзирлаётган аслиятнинг таъбири, тор хусусиятлари билан бир-бирдан яққол ажралиб туради".

Ғайбулла Саломов таржима мактабининг яна бир муҳим жиҳати — ҳар бир аслият матнини ўғиритишга нисбатан ихтисослашув тамойили эди. У ўз госянини бадиий асарлар таржимаси мисолида кенг ва чуқур тарзда асослаб берди. Жумладан, Лев Толстой асарларига Мирзақалон Исмоилий, Антон Чехов ижодида Абдулла Қаҳҳор, Александр Пушкинга Ойбек, Уильям Шекспирга Мақсуд Шайхзода ва Жамол Камол, Чингиз Айтматовга Асил Рашидов ва Иброҳим Ғафуров, Иоханн Гётега Эркин Воҳидов, Альяери Дантега Абдулла Ориповнинг оригинал ва таржимавий ижодлари услубий муштараклик касб этишини исботлаган ҳолда, таржимоннинг аслият муаллифи руҳига услубий калит топиш йўллари кўрсатди. Бу эса, ўз навбатида, универсал таржимон ҳар қандай асарни таржима қилавериши каби ноўрин уришларга кескин зарба берди ва таржима

оригинал ижод, ватан адабиётининг муҳим ва ажралмас қисми эканлигини асослаб бергани эди. Устоз ўзининг "Адабий аъёна ва бадиий таржима" монографияси ва шу йилларда таржима қилган докторлик диссертациясида ўзбек тилида Шекспир асарларини таржима қилиш аъёнлари таҳлили билан бадиий таржимада ҳам худди оригинал адабиётдаги каби ўзига хос аъёна бўлиши мумкинлигини исботлади.

Бунда Шекспирнинг "Ҳамлет" трагедиясини Чўлпон, Шайхзода, Жамол Камол таржималари мисолида ўзбек бадиий таржимачилигида реалистик қайта яратишнинг пайдо бўлиши бошқилари, аслият ва таржима, оригинал ижод ва таржима, ватан адабиёти ва таржима адабиёти, таржима — адабий алоқа — адабий таъсир каби масалалар таҳлили асосида олдинча қўйилган мақсад ёритиб берилган. Бу борадаги Ф.Саломов тадқиқотининг оригиналлиги шунда эдики, таржимашуносликда илк бор бадиий таржима (Шекспир асарларининг ўзбекча таржималари)нинг пайдо бўлиши ва унинг таржима ўқувчиси, театр сахнасига, ҳаётга, истеъмолчига етиб бориш жараёни ҳам тадрижий, ҳам мавжуд аъёнлар хусусияти билан



Таржимага оригинал ижоднинг иккинчи умри сифатида қаралиши Ғайбулла Саломов таржима мактабининг кейинги ўзига хос хусусиятларидан бири. Бу ўзбек таржимашунослигида илк бор жаҳон адабиётининг буюк сиймолари ижодини ўзбек тилига ўғиритиш ва ўзбек адабиёти намуналарини таржима воситасида дунёга танитиш борасидаги тадқиқотлардир.



боғланган ҳолда қисий-типологик аснода тадқиқ қилинди. Бу эса таржиманинг тил соҳасидаги ўзига хос оригинал ижод эканлигини исботлаш билан бирга, таржима тарихи, таржима танқиди муаммоларини ечишда ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Ғайбулла Саломов таржима мактабининг бетакрор жиҳатларидан яна бири, жаҳон адабиётининг буюк асарларини қайта яратишда кўплаб моҳир таржимонлар маҳоратининг ўрганилганидир. Унинг "Таржима назарияси асослари" номли монографиясида бу борадаги қарашлари ўз ифодасини толган. Хусусан, ўтган асрнинг 80-90-йилларида Оғаҳий (Нажмиддин Комилов), Лев Пенковский (Комилжон Жўраев), Миртемир (Зўриқидан Исомиддинов), Абдулла Қаҳҳор (Абсалом Умаров), Зулфия (Хуршида Маматова) каби шоир ва ёзувчиларнинг ижодий фаолиятига оид номзодлик диссертациялари бевосита унинг илмий раҳбарлигида ҳимоя қилинди.

Таржимага оригинал ижоднинг иккинчи умри сифатида қаралиши Ғайбулла Саломов таржима мактабининг кейинги ўзига хос хусусиятларидан бири. Бу ўзбек таржимашунослигида илк бор жаҳон адабиётининг буюк сиймолари ижодини ўзбек тилига ўғиритиш ва ўзбек адабиёти намуналарини таржима воситасида дунёга танитиш борасидаги тадқиқотлардир.

"Буюк Темур" асарининг сарчашмалари, аслияти ва ўзбекча таржимаси" номли номзодлик ҳамда "Ўзбек адабиётида Курьон мавзулари" докторлик ишларини ҳам алоҳида таъкидлаш керак.

Ғайбулла Саломов таржима мактаби бугунги кунда ҳам ўз меваларини бермоқда. У ўзининг 1966 йилда нашр эттирган "Тил ва таржима" номли монографиясида мамлакатимизда таржима ихтисослиги бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлаш, таржимашунослик бўйича диссертациялар ҳимоясига ихтисослашган Илмий кенгашлар ташкил қилиш ҳақида орзу қилган эди. Бугун ўша эзгу ниятлар амалга ошди.

Жумладан, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Бухоро, Андижон ва Наманган давлат университетларида қисий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик ихтисослиги бўйича филология фанлари доктори (DSc) ҳамда филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари ҳимоя қилиш бўйича кенгашлар фаолият кўрсатмоқда. Мазкур соҳага оид ишларнинг барчасида ўзбек таржима мактабининг асосчиси Ғайбулла Саломов номини кўриб беҳад қувонасиз киши. Устоз "Шоғирдлар устозларнинг умри давомийлигидир", деб бежиз айтмаган экан.

ФАХР

Юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг барчаси аҳоли фаровонлигига қаратилган. "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак", "Халқимиз узоқ келажакда эмас, айнан бугун ўз ҳаётидан рози ва мамнун бўлиб яшаши керак", деган халқчил гоғлар одамларимизнинг турмуш тарзида ўз ифодасини топмоқда. Аҳолининг тинч, осуда ва фаровон ҳаёт кечирishi, уларнинг мавжуд муаммоларини бартараф этишга доир сазй-ҳаракатлар, ўз навбатида, давлатга, янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларга ишончи ортишига хизмат қилмоқда. Қуйида баъзи юртдошларимизнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.



ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНАР БУ ВАТАНДА



Ёшларга эътибор — келажакка эътибор

Дилмурод ХУДОЙШУКУРОВ, Ёшлар ишлари агентлиги Жиззаз вилояти бошқармаси бошлиғи

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ўзгаришлар, аввало, халқ манфаатига хизмат қилаётгани билан аҳамиятли. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" деган тамойил асосида халқимиз ҳаётини яхшилаш, одамларни иш билан таъминлаш, худудларни ободонлаштириш, кам таъминланган, очоқ оилаларни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Халқ қабулхоналарининг ташкил этилиши, маҳалла институтининг ислох қилиниши, ҳар бир маҳаллада маҳалла раисидан ташқари, ҳошим ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар ишлари билан шуғулланувчи ҳодим тайинланиши бевосита аҳолининг барча муаммоларини, аввало, маҳалланинг ўзида ҳал қилиш имконини берди.

Аҳволи ва турмуш шароити оғир оилалар муаммоларини бўйича "Темир дафтар", ижтимоий

ҳимояга муҳтож, ишсиз ва касб-хунарга эга бўлмаган, ҳуқуқий ҳамда маънавий-психологик қўллаб-қувватлашга зарурати бўлган хотин-қизлар ва ёшлар бўйича "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари" ташкил этилиши, Президентимиз қарори билан барча вазирлик, идоралар, ҳокимликлар ва сектор раҳбарлари ушбу дафтарларга киритилган фуқароларни камбағалликдан чиқариш ва уларнинг фаровонлигини ошириш учун шахсан масъул этиб белгиланиши бугун ўз самарасини бермоқда.

Вилоятимизда маҳаллабай ўтказилган хотловлар асосида 15 714 нафар ёш "Ёшлар дафтари"га киритилди.

"Ёшлар дастурлари" орқали касб-хунарга ўргатиш, бўш иш ўринларига жойлаштириш, имтиёзли кредитлар, ер майдонлари, субсидиялар ажратиш ва ижтимоий-моддий қўллаб-қувватлаш натижасида 35 828 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди.

2 765 нафар имконияти чекланган, тиббий ёрдамга муҳтож ёш доимий назоратга олинди.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида шаҳар ва туманларда молиявий манбалари аниқ белгиланган "Ёшлар дафтари" жамғармалари ташкил этилиб, маҳаллий бюджетнинг орттирилган қисми (15 фоизи) ва ижро ҳужжатларига оид ундирувлар ҳисобидан 16,7 миллиард сум маблағ шакллантирилди.

Жамғармалар ҳисобидан ишсиз 9 755 нафар ёшга асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари, уруғлик ва қўчат харид қилишга субсидиялар ажратиш, нотураж жойлар ижараси ва бошқа йўналишлар учун 14,5 миллиард сум миқдоринда амалий ёрдам кўрсатилди.

Мамлакатимиз келажиги, таракқиёти бевосита ёшлар қўлида. Шундай экан, бугун уларга қаратилган эътибор, ғамхўрлик, берилган имтиёз ва имкониятлар, албатта, ўз самарасини кўрсатади. Энг асосийси, ушбу ғамхўрликлар уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ҳиссини орттирмоқда, ёрқин келажакка ишонч уйғотмоқда.

Худди қатъий карантин вақтидек, одамлар кўчада эркин юролмоқди. Баъзида ички ишлар ҳодимлари одамларни уйдан, кўчадан ушлаб, мажбуран пахта далаларига юборарди. Пахтага чиқмаганларнинг уйи электр ва газ тармоғидан узиларди. Узи совуқ тушиши билан газ босими пасайиб, электрнинг неча соатлаб ўчишидан зада бўлган аҳоли учун бу ишлар ўлганнинг устидан телгандек гап эди. Ҳозир буларни ўйлаб, халқимиз неча йиллар шундай оғир шароитда яшаганидан афсуслансам, Президентимизнинг бугунги халқпарвар сиёсати тўғрисида халқимиз эмин-эркин, тинч-тотув, хотиржам, фаровон ҳаёт кечираётганидан қўнғил қувнайди. Бу мамлакатимизда инсон қадри ва манфаатлари ҳамма нарсадан устунлигидан яна бир далолатдир.

Ўтказишга имкониятимиз йўқ эди. Ушбу жарроҳлик амалиёти учун ҳеч қандай маблағ сарфлаганимиз йўқ. Операциядан сўнг ўғлим шифокорларга миннатдорчилик билдириб, биздан нима хизмат деса, улар Президентимизга раҳмат айтинг, биз ўтказган жарроҳлик амалиётининг пули давлат тиббий тузишга жамғармаси ҳисобидан тўлаб берилган, дебди. Мана шундай гузал, инсон қадри улуғланаётган юрда яшаётганимдан хурсандман. Мендек оддий кишлоқ аёлига кўрсатилган бундай ғамхўрлик учун, аввало, Президентимизга, қўни енгили шифокорларга миннатдорчилик билдираман. Ҳар кун дуодаман. Илоҳим, барчалари умрларидан барака топсин.

"Янги Ўзбекистон" муҳбири Фарҳод НЕЪМАТОВ ёзиб олди.

Инқилобга тенг ислохотлар

Шодибой АТАЕВ, пенсионер. Мирзачўл тумани

Ўзбекистонда сўнгги йилларда, ҳеч мунолагағасиз, инқилобий ислохотлар амалга оширилди. Мамлакатимиз бугун бутун дунё учун очик. Аввало, қадим замонлардан бери аҳил-иноқликда яшаб келаятган, дўст-биродар яқин қўшнилари билан муносабатлар янги бошқича чиқди. Миллий ва хорижий валюта бозори эркинлаштирилди. Энг муҳими, халқимизни йиллар мобайнида қийнаб келган нақд пул билан боғлиқ муаммолар, хусусан, пластик карталарига тўширилган ойлик ва нафақаларни 25-30 фоизгача нақдлаштиришлар барҳам топди. Биргина

мажбурий меҳнатнинг бекор қилиниши, халқимизнинг пахта ташвишидан халос бўлганининг ҳам, оворая сарсончилиги ҳам кучаярди. Чўл туманларда пахта мавсуми бошланиши билан одамлар мажбурий пахта тери-парвар сиёсати тўғрисида халқимиз эмин-эркин, тинч-тотув, хотиржам, фаровон ҳаёт кечираётганидан қўнғил қувнайди. Бу мамлакатимизда инсон қадри ва манфаатлари ҳамма нарсадан устунлигидан яна бир далолатдир.

Ҳар кун дуодаман

Ҳайринисо НОДИРОВА, уй бекаси. Бахмал тумани

Узоқ йиллардан бери буйрагим оғриди. Жиззаз, Самарқанд, Ташкент шаҳарларидаги шифокорларга бир неча бор мурожаат қилдим. Бунинг ягона давоси буйракни алмаштириш, жарроҳлик амалиётининг нархи эса жуда қimmatлиги, фақат чет элда амалга оширилиши ҳамда эшитиб, тўғриси, ҳаётдан ҳам кўнглим совиганди. Бир кун шифокорим телефон қилиб, сиз учун яхши имконият пайдо бўлди, деганида ҳаяжонланиб кетдим. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан сизга ўхшаган беморлар учун вилоятимизда бепул жарроҳлик амалиёти ўтказилиши режалаштирилган. Ушбу имкониятдан фойдаланишимиз мумкин.

Фақат донор топишингиз керак, деди. Тўғриси, бир тарафдан хурсанд бўлдим, бир тарафдан ким ҳам менга буйрагини беради, донор топганда ҳам жарроҳлик амалиёти қандай ўтар экан, деган ҳавотирга ҳам тушдим. Яқинларим билан маслаҳатлашдим. Яратганга шукр, меҳр-оқибатли халқимиз. Меҳрибон олам менга донор бўлишга рози бўлди. Поиттахлик шифокорлар томонидан қарий етти соат давом этган мураккаб жарроҳлик амалиёти муваффақиятли ўтди. Ҳозир аҳволим яхши. Шунча йиллик азобларим ортда қолди. Тўғриси, қайта тугилгандек бўлдим. Боя айтганимдек, тузалишимга ишонмасдим. Чет элда жарроҳлик амалиётини

